



МАҲАЛЛИЙ ҚАРШИЛИКЛАР ВА МАҲАЛЛИЙ ҚАРШИЛИК КОЭФФИЦИЕНТИ

Рахимов Қудратжон Ташиботирович^{1.а}, Мирсалимов Шерали^{2.а},

Шарипдэжанов Ўткирбек^{2.б}

Тошкуент давлат транспорт унвуюерситети, доцент^{1.а};

Тошкуент давлат транспорт унвуюерситети, талаба^{2.а, б},

Анотация: Ушбу мақолада суюқлик ва газ оқимларининг муҳандислик коммуникациялари тизимида учрайдиган маҳаллий қаршиликлар ва уларнинг гидравлик ҳисоблардаги аҳамияти кўриб чиқилади. Маҳаллий қаршиликлар – бу турли конструктив элементлар (бўғинлар, кривой участкалар, вентиллар, кенгайии ёки тортиши жойлари ва бошқалар) туфайли оқимда юзага келадиган энергия йўқотишларидир. Мақолада маҳаллий қаршиликтин коэффициенти тушунчаси, уни аниқлаш усуллари, турли элементлар учун коэффициентларнинг қийматлари ҳамда уларнинг ҳисоб-китоблардаги қўлланилиши таҳлил қилинади. Шунингдек, амалиётдаги тавсиялар ва энергия самарадорлигини оширишига оид чоралар ҳам ёритиб берилади.


Калит сўзлар: Маҳаллий қаршиликтин коэффициенти, гидравлик йўқотишлар, оқим қаршилиги, қувур тизими, энергия сарфи, коэффициент ҳисоб-китоби, скоростъ ва босим алоқаси, инженерлик гидравликаси

Қувурлардаги маҳаллий гидравлик қаршиликларга уларга ўрнатилган ҳар хил қурилма ва элементлар киради. Ушбу жойларда оқимнинг ҳаракати ўзгаради, яъни оқим деформацияга учрайди, натижада оқим ўртача тезлигининг йўналиши ҳамда қийматининг ўзгаришига олиб келади. Бундай қурилма ва элементларга қувурларга кириш, кескин кенгайиш ва торайишлар, секин-аста кенгайиш ва торайишлар, фильтрлар, сеткалар, оқимни бошқариш учун ўрнатилган клапанлар, ҳар хил кўринишлардаги ва ҳар хил бурчакларга бурилишларни

мисол қилиб келтириш мумкин. Маҳаллий гидравлик қаршиликларни умумлаштириб қуидаги иккита катта гурухларга ажратиш мумкин:

- I. Оддий маҳаллий гидравлик қаршиликлар.
- II. Мураккаб маҳаллий гидравлик қаршиликлар.

Оддий маҳаллий гидравлик қаршиликлар, оқим ўртача тезлигининг йўналиши ёки қийматининг ўзгариши билан ҳарактерланади (1-расм).



1-расм. Оддий маҳаллий гидравлик қаршиликлар.

Одатда қувурлардаги маҳаллий гидравлик қаршиликларда йўқотилган напорни аниқлашда Вейсбах формуласидан фойдаланилади(1).

$$h_m = \xi_m \frac{\vartheta^2}{2g} \quad (1)$$


Бу ерда ξ_m - маҳаллий қаршилик коэффициенти, ϑ - оқимнинг ўртача тезлиги, $\frac{\vartheta^2}{2g}$ - тезлик напори.

Маҳаллий қаршиликларда йўқотилган напор тезлик напорига ва маҳаллий қаршиликтининг бевосита ўзининг хусусиятига боғлиқдир. Бу хусусиятни одатда маҳаллий гидравлик қаршилик коэффициенти белгилайди. *Маҳаллий қаршилик коэффициенти бирлик тезлик напорига тўғри келадиган йўқотилган напорни ифодалайди.* Маҳаллий қаршилик коэффициентининг қийматини аниқлаш мураккаб масала ҳисобланиб, одатда гидравлик ҳисоблашларда маҳаллий қаршилик коэффициентларининг қийматлари жадваллардан олинади ёки мавжуд юқоридаги каби формулалар ёрдамида

хисобланади. Бу қийматлар ўзгармас яъни доимий, лекин бу ҳолат турбулент ҳаракатнинг квадрат қаршилик (автомодель)соҳасидагина, яъни Рейнольдс сонининг жуда катта қийматларида ўринли ҳисобланади. Оқимнинг квадрат ёки квадратгача қаршилик соҳаларидан бошқа соҳаларда масалан ўтиш ва ламинар соҳаларда маҳаллий қаршилик коэффициентининг қиймати катта диапозонда ўзгаришини кузатиш мумкин. Оқим тезлигининг унча катта бўлмаган ҳолатида ёки ёпишқоқлиги катта суюқликлар ҳаракатига доир масалалар ечишда напор йўқотилиши аниқ ҳисоблашларни талаб этади.

Метод. Юқорида келтириб ўтилганидек маҳаллий гидравлик қаршиликлар оқимнинг деформацияланишига олиб келади ва шунинг учун яъни оқим деформацияланиши учун энергиясини йўқотади.

Маҳаллий қаршилик коэффициентини тажриба асосида аниқлаймиз. Тажрибаларни ўтказиш учун маҳаллий гидравлик қаршиликлардан кескин кенгайиш танлаб олинди(3-расм).





3-расм кескин кенгайиш

Маҳаллий қаршилик коэффициентининг қийматини аниқлаш учун қуйидаги боғланишни асос қилиб оламиз:

$$\xi_m = \frac{A}{Re} + \xi_{m\text{kv}} \quad (5)$$

Бу ерда A – коэффициент, унинг қиймати маҳаллий қаршиликдан келиб чиқиб, тажрибалардан аниқланади, $\xi_{m\text{kv}}$ - квадрат қаршилик соҳасидаги маҳаллий қаршилик коэффициенти, Re - Рейнольдс сони.

Тажрибалар гидравликада қабул қилинган умумий қоидаларга амал қилған ҳолда олиб борилди. Сув сарфи ҳажмий усулда ўлчанди, пъезометр кўрсаткичлари ўрнатилган шкала ёрдамида аниқланди.



Тажрибалардан кўриниб турибдики, Рейнольдс сонининг кичик қийматларида, яъни ламинар ва ўтиш соҳаларида маҳаллий қаршилик коэффициентининг қиймати тубулент ҳаракатнинг квадрат қаршилик соҳасидаги қийматидан анча катта.

ADABIYOTLAR

1. Quvondiqov, Q. (2023). On the Issue of Efficiency in the Transportation of Oil Products by Main Pipeline. International Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD).
2. Quvondiqov, Q. (2021). Suv ta'minoti, oqova suv, gidravlika va suv resurslarini muhofaza qilish sohalarida yangi yutuqlar. X МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНСИЯ.



3. Quvondiqov, Q. (2022). Gidtrotransport tizimlaridagi adgeziyani dispers sistemalarni modifikasiyalash orqali kamaytirish. Scienceweb academic papers collection.
4. Quvondiqov, Q. (2023). Magistral va undan tarqalagn quvurlar tizimini gidravlik hisoblash. ELEKTRON HISOBBLASH MASHINALARI UCHUN YARATILGAN DASTURNING RASMIY RO'YXATDAN O'TKAZILGANLIGI TO'G'RISIDAGI GUVOHNOMA O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASI ADLİYA VAZIRLIGI, № DGU 24340, Talabnoma kelib tushgan sana: 03.04. 2023 Talabnoma raqami: DGU 2023 2692.